XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 29 - iyul VI-41-129-3-43-K/22 Arnasoy tuman hokimligi

Арнасой тумани Бахтли ва Чинобод маҳалла фуқаролар йиғинларидаги номсиз кўчаларга ном бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги ЎРҚ-303-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги ““География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарори ижросини таъминлаш, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 14 июндаги 08-04901-сонли хатини инобатга олиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 14 июндаги 08-04901-сонли хати инобатга олинсин.

2. Арнасой туманидаги аҳоли пунктлари таркибий қисмлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Адилов, туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Умуров), туман статистика бўлими (З.Рисқулов), туман

Давлат кадастрлар палатаси Арнасой туман филиали (М.Шерқулов)ларга:

- амалдаги тартиб асосида ном берилган кўчаларнинг электрон базасини шакллантириш;

- иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифалари топширилсин.

4. Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Х.Бердиев) янги номланган кўчалар номлари акс эттирилган кўрсаткичлар ўрнатилишини ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритилишини таъминласин.

5. “Арнасой тонги” газетаси (Х.Мирзаев) ҳамда туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Р.Нурматов)ларга мазкур қарорни “Арнасой тонги” газетаси саҳифаларида ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритиш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман Кенгашининг “Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари” доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Х.Алимарданов**

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 29 iyuldagi
VI-41-129-3-43-K/22-son qaroriga
1-ilova

Тумандаги аҳоли пунктлари таркибий қисмлари (географик объектлар)га янги ном берилаётган объектлар

РЎЙХАТИ

Т/р	**География объектнинг тури**	**Жойлашган ўрни**	**География объектнинг амалдаги номи**	**Комиссия томонидан берилган таклиф**
1	Кўча	Бахтли МФЙ	Номсиз	Саёҳатчилар
2	Кўча	Бахтли МФЙ	Номсиз	Анҳорбўйи
3	Кўча	Чинобод МФЙ	Номсиз	Ифтихор